



11.07.2018



Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп давлат ҳисобланади. Демографик ўтишнинг ушбу палласида аҳолиснинг аксариятини ёшлар ташкил этган мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, репродуктив саломатлик, соғлом фарзанд туғилиши ва оилани режалаштириш каби кенг кўламли тадбирлар ўтказилаётгани айна ҳақиқат.

Аҳолишунослик бўйича БМТ жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитасининг Бутунжаҳон аҳолишунослик кунига бағишлаб ўтказилган тадбир “Оилани шакллантириш — инсон ҳуқуқидир” мавзусига бағишланди.

Унда сўзга чиққанлар оилани режалаштириш инсоннинг асосий ҳуқуқи эканлиги, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, мамлакат ёшларининг таълими ва соғлиғини сақлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, имкониятларини ривожлантириш учун кўникма ва билимларни кенгайтириш каби масалалар кенг муҳокама қилинди.

Миэко Ябута,

UNFPA нинг Ўзбекистондаги вакили:

— БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) мана йигирма икки йилдирки, Ўзбекистон халқи ва ҳукумати билан ҳамкорликда репродуктив саломатлик ва инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш масалаларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Оилани инсон ҳуқуқлари асосида шакллантириш, аёллар ва болалар саломатлигини таъминлаш энг муҳим йўналишларимиздан бири ҳисобланди. Бу эса аёллар жуфтлари билан ўз ҳаётларини режалаштириш истакларини амалга ошириш имкониятини тақдим этади.

Налия Канем,

UNFPA нинг Ижрочи директори:

— Оилани шакллантириш — бу нафақат инсон ҳуқуқи, балки у хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) ҳар бир аёл, ҳар бир эркак ва ҳар бир боланинг соғлом ҳаёт ва тенг имкониятлар борасидаги ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашувчи халқаро тараққиёт агентлиги ҳисобланади. Шунингдек, у мамлакатларга демографик тенденцияларни яхшироқ тушунишга кўмаклашадиган демографик маълумотларни тўплашда ва уларни таҳлил қилишда яқиндан ёрдам беради.

Шунингдек, давра суҳбатида гендер бўйича тақсимланган маълумотларни тўплаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, оиладаги зўравонликка қарши курашга қаратилган ташаббусларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида йиғилиш иштирокчиларига маълумотлар берилди.

Мадина ҲАМДАМОВА,

“Инсон ва қонун” мухбири

400 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Ишончга кириб “иши”ни битирмоқчи бўлди](#) [3]
- [Диннинг асл моҳияти бағрикенгликдир](#) [4]
- [Ёлғонни аниқловчи сунъий тафаккур](#) [5]
- [Халқимиз учун ҳуқуқий маърифат яратиш бош мақсадимиз](#) [6]
- [Одил ҳукм \(ҳикоя\)](#) [7]
- [Ўзбек отахонлари Кавказортининг сўлим гўшасида](#) [8]
- [PR — нафақат бирор идоранинг, балки жамиятнинг ҳам юзига айланиши керак](#) [9]
- [Микрокредитбанк: Ҳар бир оила — тадбиркор, ҳар бир оила — бахтиёр](#) [10]
- [Адлия бўлимлари одамлар орасида](#) [11]
- [Халқ дардига елка тутиб халққа яқинлашамиз](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/3813>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/3813>
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3813>
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4331>
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4329>
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4328>
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4327>
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4326>
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4325>
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4324>
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4322>
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4321>
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4320>

